



# Маҳалла

ЧОРШАНБА

2014 йил 19 ноябрь,  
№97 (1064)

www.mahallagz.uz info@mahallagz.uz

«DIPLOMATIC MAGAZINE»:

## «Маҳалла — фуқаролик жамияти шаклланишининг асоси»

Яқинда Бельгия ва Нидерландиядаги оммабон нашрдан бири — «Diplomatic Magazine» журнаlining навбатдаги сониди ана шундай сарлавҳа остида салмоқли мақола босилиб чиқди. Унда европалик ўқувчилар мамлакатимиздаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти — маҳалланинг жамиятимиз ҳаётида тутаётган ўрни ва аҳамияти билан яқиндан таништирилган.

Мақолада қайд этилганидек, республикамиз мустақил ривожланиш йилларида катта муваффақиятларни қўлга киритишга эришди. Чуқур ўйланган ва узоқни кўзлаган ислохотларнинг ҳаётга татбиқ этилиши тўғрисида мақолада иқтисодиёти 5 баробар ўсди. Жон бошига ҳисобланганда аҳоли даромадлари 8,7 баравар кўпайди. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарамай, кейинги ўн йил ичида мамлакат ялпи ички маҳсулотининг ўсиш суръатлари 8 фоиздан зиёдни ташкил этмоқда.

«Бугунги Ўзбекистон ўзбек халқининг манфаатларини ҳимоя қилиш ва илгари суриш салоҳиятига эга ҳамда ўз мустақиллигини янада мустаҳкамлашга қодир бўлган мамлакат ҳисобланади», дея таъкидланади нашрда.

Мақолада республикамизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро ва фуқаролараро тотувлик, ўзаро ҳурмат ҳамда меҳр-оқибат муҳити, Ўзбекистон халқининг ўзгариб бораётган дунёқароши ва онгу тафаккури, уларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданияти ҳамда фаоллиги ортиб бораётгани ривожланиш ва тараққиётнинг муҳим омиллари сифатида қайд этилган. Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси барча ижтимоий-сиёсий кучларнинг бу жараёнга сафарбар қилинишида ҳал қилувчи аҳамият касб этаётгани ҳам эътироф этилган.

> [2]

САЙЛОВЛАР — ДЕМОКРАТИЯ КЎЗГУСИ

## Қонунийлик, адолат ва холислик таъминланади

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловлар муддати яқинлашгани бос Самарқанд вилоятидаги фуқаролар йиғинларида ишлар қизини тус олмақда.

■ **Эркин ЗУБАЙДУЛЛАЕВ, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Самарқанд вилояти бўлими бошқаруви раиси вази фасини бажарувчи.**

Сайлов қонунчилигига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар ҳамда янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунда белгиланган ваколатлар жорий йилги сайловларда маҳаллалар зиммасидаги масъулиятни янада оширди.

Вилоятдаги 1 минг 106 та фуқаролар йиғини қонунда белгиланган тартибда, сайлов участкаларини тузиш ва уларнинг комиссиялари таркибини шакллантиришда фаол қатнашди. Шунингдек, фуқаролар йиғинлари иштирокида жойларда сайлов тизимини янада демократлаштириш, номзодларга, сиёсий партияларга сайловолди ташвиқоти йўналишида тенг шарт-шароит яратиш, сайловнинг очиклиги, ошқоралигини таъминлаш бўйича миллий қонунийликнинг қиритилган ўзгариш ҳамда қўшимчалар сайловчиларга тушунтирилипти.

> [2]

МАҲАЛЛАМИЗ ИФТИХОРАЛИ

## Шижоат ва мардликда ҳеч кимдан кам бўлмаган

Президентимиз Ислам Каримов раҳнаомлигида юртимизда жисмоний имконияти чекланган ёшларни спортга жалб этиш орқали уларнинг жамиятда ўз ўрнини топишига қўмаклашишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

■ **Ақбар РУСТАМОВ «Mahalla»**

Бундай ғамхўрлик имконияти чекланган спортчиларимизнинг халқаро мусобақаларда муносиб иштирок этиб, Ватанимиз шарафини янада юксалтиришига йўл очаетир. Буни биргина жорий йилнинг 18-24 октябрь кунлари Жанубий Кореянинг Инчон шаҳрида ўтказилган II Параллел ўйинлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Мазкур мусобақада иштирок этган 27 нафар спортчимиз энгил атлетика, дзюдо, сузиш ва ўқ отиш бўйича 22 та олтин, 5 та кумуш ва 4 та бронза, жами 31 медални қўлга киритиб, қирқдан зиёд давлат орасида бешинчи, Марказий Осиё давлатлари ўртасида биринчи ўринни эгаллагани ўзбек халқининг ҳеч кимдан кам эмаслигини ва ҳеч қачон кам бўлмаслигини яна бир қарра исботлади.

Ушбу мусобақада дзюдочиларимизнинг иштироки алоҳида эътиборга лойиқ. Полвонлар етти та олтин, биттадан кумуш ва бронза медалини қўлга киритиб, ҳақиқий алплар вориси эканини амалда исботлашди.

> [4]

ЎҚУВ-ТРЕНИНГ МАШҒУЛОТИ



## Фарзанд бахти ота-она ва миллатнинг саодатидир

Мамлакатимизда ёш авлоднинг баркамол инсонлар бўлиб улғайиши учун қўллаб хайрли ишлар амалга оширилаётир. Қувонарлиси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳам бундай эзгу ишлардан четда қолаётгани йўқ.

■ **Лутфия САФАРОВА, «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Сурхондарё вилояти бўлими бошқаруви бош мутахассиси.**

Фонд республика бошқаруви ҳамда Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази ҳамкорлигида фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйи-

ча маслаҳатчилари ҳамда ота-оналар иштирокида «Болам бахти бўлсин десангиз...» ўқув-тренинг ташкиллаштирилаётгани ҳам келажагимиз эгаларининг порлоқ истиқболга хизмат қилади. Сурхондарё вилоятида бу машғулотлар Термиз шаҳри ва барча туманларда тегишли режа асосида ўтказилиб, барча фуқаролар йиғинлари қамраб олинди.

Мазкур ўқувлар фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва

маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларини ҳозирги мураккаб ва таҳликали даврда фарзанд тарбиясида фаолиятларини замонавий талаблардан келиб чиқиб ташкил этиш борасида малакаларини, билимларини ошириши кўзда тулади. Ёш авлод тарбияси ҳар қачонгидан ҳам муҳим ва долзарб бўлган бугунги кунда ҳар бир маҳалла маслаҳатчиси, йиғин фаоллари, маҳалла-қўй ва ота-оналардан нафақат жисмоний, балки маънавий жиҳатдан соғлом болани тарбиялашда етарли билим ва кўникамага эга бўлиши талаб қилади.

Ўқув-тренинг машғулотлари Республика миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази ходимлари билан бевосита мулоқот тарзида, савол-жавоблар, медалитакдимот асосида ўтказилди. Тингловчиларга глобаллашув даврида фарзанд тарбиясида юзага келадиган муаммоларни ҳал қилиш усуллари замонавий педагогик технологиялар воситасида етказилди.

Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга тўлиқ ва батафсил жавоб олишди. Инновацион услубда ўтказилган машғулотлар баҳс-мунозараларга бой бўлди.

КУН МАВЗУСИ

## Ёшлар маънавиятини юксалтириш таълим ва тарбиянинг асосидир



Мамлакатимизда ёш авлод таълим-тарбиясида давлат сиёсати даражасида қаралади. Уларнинг бахтли ҳаёт кечирishi, пухта билим эгаллаши, зукко, соғлом инсон бўлиб камолга етиши учун барча шароитлар яратиб берилаётир. Энг асосийси, ушбу йўналишда фуқаролар йиғинлари зиммасига юкланган вазибалар ижроси изчил таъминланиб келинаётир.

■ **Шарифжон АБДУЛЛАЕВ, Наманган шаҳридаги «Атанган гузар» маҳалла фуқаролар йиғинининг Вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссияси раиси.**

Маҳалламиз зиёли, меҳнаткаш инсонлари билан ном қозongan. Биз, айниқса, катта ютуқларга эришаётган ёшларимиз билан ҳақли равиш-

да фахрланамиз. Хусусан, улар орасида спортнинг кураш, бокс ва каратэ турлари бўйича шаҳар, вилоят, республика миқёсидаги мусобақаларда, курилиш-дизайн, санъат соҳаларида ҳам турли танловларда ғолиб чиққанлар бор. Яқинда 71-умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчиси Алишер Фуломов каратэ бўйича вилоят чемпиони, деган шарафли номга сазовор бўлди.

> [4]

ҚАРОР ВА ИЖРО

## Инсонпарварликнинг ёрқин ифодаси

2014 йил 14 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма икки йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарорини қабул қилди.

■ **Мирвалд МИРАКУЛОВ, Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бўлим бошлиғи, юридик фанлар номзоди.**

«Амнистия» — лотинча «amnestia» сўзидан олинган бўлиб, эсдан чиқариш, кечирish, гуноҳидан ўтиш маъноларини англатади. Амнистия та-

рихи қадим замонларга бориб тақалади. Давлатчилигимиз тарихида ҳам амнистияга оид ҳужжатлар қабул қилинганлиги кузатиш мумкин. Бунга мисол сифатида соҳибқирон Амир Темурнинг «олтмишдан ошган отадан ош сўрама» ёки «биринчи марта гуноҳ қилган шахснинг гуноҳидан ўтинглари, иккинчи марта гуноҳ қилган шахснинг ҳам гуноҳидан ўтинглари, учинчи марта гуноҳ қилган шахснинг гуноҳидан ўтинглари, деган ўғитларини келтириш кифоя.

Амнистиянинг моҳиятида инсонпарварлик, кечиримлилик, бағрикенглик каби тушунчалар мумжасам. Буни биз мустақиллигимизнинг 23 йили мобайнида мамлакатимизда 25 марта қабул қилинган амнистиянинг моҳиятидан ҳам англаб олишимиз мумкин. Уларда, асосан, аҳолининг эътиборга, ҳимояга муҳтож қатлами — аёллар, вояга етмаганлар, кексалар, биринчи марта жиноят содир этган шахслар жазодан озод қилиниб келинмоқда.

Таъкидлаш жоизки, амнистия актини қабул қилиш давлат ҳокимияти олий органларининг мажбурияти ҳам, бурчи ҳам эмас, балки ҳуқуқдир. Амнистия орқали, одатда, жи-

ноят ва бошқа турдаги ҳуқуқбузарликни содир этган шахслар жазодан тўла ёки қисман озод этилади, тайинланган жазо тури энгилроғи билан алмаштирилади.

Мустақиллик йилларида амнистияга оид қонун ҳужжатлари такомиллашиб борди. Икки палатали парламент шаклланганидан сўнг, ўқорчи палата — Сенатнинг мутлақ ваколатларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимиға биноан амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш киритилди. 2008 йил 23 декабрда матбуотда эълон қилинган «Амнистия актини қўллаш тартиби таномиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг

ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ

## Ойликда фаол иштирок этайлик

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 ноябрда қабул қилинган «Хар йили ёнгин хавфсизлиги ойлигини ўтказиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ жорий йилнинг 20 ноябрдан 20 декабрга қадар мамлакатимизда ёнгин хавфсизлиги ойлиги ўтказилади.

■ **Н.АБДУРАИМОВА, ЎЗА мухбири**

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ёнгин хавфсизлиги бош бошқармаси томонидан ёнгин хавфсизлиги ойлигини эълон қилиш ва ойлик давомида амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар билан боғлиқ масалаларга бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.

Тадбирда давлат ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан кенг кўламли ишлар мунтазам амалга оширилаётгани таъкидланди. Қиш мавсуми олдида барча соҳа ва тармоқлар, хонадонларни ёнгин хавфсизлиги талабларига мувофиқ ҳолга келтириш, ўта муҳим ва тоифаланган объектларида ёнгин хавфсизлигини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Давлат ёнгин назорати ходимлари томонидан содир бўлиши мумкин бўлган ёнгинларнинг олдини олиш мақсадида ўтказилган текширувларда аниқланган камчилик ва нуқсонларнинг 84 фоизи бартараф этилди. Амалга оширилган тадбирлар натижасида 2014 йилнинг ўн ойи давомида содир бўлган ёнгинлар 2013 йилнинг шу даврига нисбатан савдо муассасалари, база ва оёмборхоналарда 3,3 фоизга, қишлоқ хўжалиги тармоқларида 8,7 фоизга, ёш болаларнинг олов билан ўйнаши билан боғлиқ ёнгинлар 7,7 фоизга, оловдан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш оқибатида содир бўлган ёнгинлар 4,3 фоизга, бошқа сабаблардан содир бўлган ёнгинлар 42,9 фоизга камайишига эришилди.

Турли тасодифлар ёки фуқароларнинг лоқайдлиги оқибатида содир бўлаётган ёнгинларнинг олдини олиш, бундай ҳолатларда инсонларнинг тан жароҳати олиш ва халок бўлишига йўл қўймайлик, ёнгинларни бошланғич жараёнида бартараф этиш чоралари қўриломоқда.

Содир бўлаётган ёнгинларнинг катта қисми аҳоли хонадонларига тўғри келаётгани инобатга олиниб, ушбу йўналишга доимий эътибор қаратилаётир. Хусусан, барча ҳовлилар ва кўп қаватли уйларнинг ёнгинга қарши ҳолати текширилди, фуқаролар билан ёнгин хавфсизлиги бўйича мулоқотлар мунтазам ўтказилмоқда. Шу билан бирга, ёнгиннинг олдини олишга қаратилган эслатма ва плакатлар оммага тарқатилди. Оммавий ахборот воситалари орқали ўттиз мингдан ортиқ чиқишлар уюштирилди.

Матбуот анжуманида журналистларни қизиқтирган саволларга мутасаддилар томонидан жавоб қайтарилди.



> [2]







МАҲАЛЛА — ОИЛАВИЙ БИЗНЕС МАРКАЗИ

ОСОЙИШТАЛИК ПОСБОНЛАРИ

МАСЛАҲАТЧИ ЁН ДАФТАРИГА

Тадбиркорга  
маслаҳат ва  
кўмак тайин

Сирдарё вилояти Ховос туманидаги Чаманзор қишлоқ фуқаролар йиғини аҳолисининг аксарияти тадбиркор, ишбилармон. Улар фаолиятини ишлаб чиқаришнинг турли йўналишларида олиб бориб, нафақат онласи даромадини ошириш, балки ҳудуд иқтисодиётини ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлашга муносиб ҳиса қўшаётганлар.

Тошпўлат  
ХАЙИТБОВ  
«Mahalla»

— Қишлоғимизда ишсиз одамнинг ўзи йўқ, — дейди йиғин раиси Боборажаб Зокиров. — Қайси хонадонга борманг хунарманд, тадбиркор ёки миришкорга дуч келасиз. Бу йиғинимиз қошидаги Тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича комиссия аъзоларининг аҳолини тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш, ҳудудда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлари самарасидан далолат.

Айни кунда йиғин фаоллари кўмагида фаолият бошлаган озик-овқат, хўжалик ва қурилиш моллари, маиший техника воситалари билан савдо қиладиган 20 дан ортиқ дўкон, 1 та мебель ишлаб чиқариш цехи, 4 та тикувчилик корхонаси, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, электрон техникани таъмирлаш каби шохобчалар аҳоли хизматида. Уларда меҳнат қилаётганларнинг аксарияти ёшлардир.

Комиссия аъзолари аҳоли, айниқса, ёшлар бандлигини таъминлашга фермерлик ҳаракатини кенгайтириш орқали эришмоқда. Ҳозир қишлоқдаги 16 та фермер хўжалиги ғалла, пахта етиштирибгина қолмай, паррандачилик, чорвачилик, боғдорчилик тармоқлари фаолиятини йўлга қўйишган. Ушбу хўжаликларда маҳалла аҳлининг 600 нафарга яқини доимий иш билан банд.

Йиғин раисининг айтишича, оилавий бизнесини бошлаш мақсадида кўмак ва маслаҳат сўраб келганларга, аввало,

фаоллар томонидан ҳудуддаги шарт-шароит ҳамда аҳолининг эҳтиёжидан келиб чиқиб бизнес-режа тузиш тавсия этилмоқда. Масалан, қишлоқдаги 16 та фермер хўжалиги ҳар йили ғалла ҳосилини ортиғи билан бажарганидан сўнг, ортган ғаллани хўжалик аъзоларига тарқатади. Дони ун қилиб чиқариш учун қўшни қишлоқдаги тегирмонга бориларди. Ишбилармон Мирабдулла Тожибоев хонадонда уй тегирмони қуриб, 8 нафар оила аъзосининг бандлигини таъминлади.

Маҳаллада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик кенг йўлга қўйилгани, ишбилармонлик муҳити қарор топаётгани боис биргина жорий йилда 52 та янги иш ўрни яратилди.

— Йиғин фаоллари билан ҳамкорликда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш ниятидагиларга солиқ имтиёзлари ва қулайликлар ҳақида маълумот беришимиз, — дейди туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Собир Худойбердиев. — Айниқса, оилавий корхоналарга қўлланиладиган имтиёزلардан фойдаланиш борасидаги кўрсатма, маслаҳатларимиз натижасида оилавий тадбиркорлик субъектлари сони ортмоқда.

Тумандаги йиғинлар қошидаги мазкур комиссия кўмагида 6400 дан зиёд хонадонда паррандачилик, балиқчилик ва асаларичилик йўлга қўйилган бўлса, 1247 тасида тикувчилик, касаначилик, хунармандчилик ташкил этилди. Пировардида ўтган йили оилавий бизнес эвазига 1381 та янги иш ўрни яратилди. Жорий йилнинг шу даврига қадар бу кўрсаткич 1553 тага етди. Шундан 349 таси яқка тартибдаги хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўри келади.



Сардор тарғиботда етакчи  
бўлмоғи зарур

Сурхондарё вилояти Шўрчи туманидаги «Бунёдкор» маҳалласи номига муносиб маскан сифатида таърифланади. Негаки, маҳалла аҳли янгиликларга иштиқоманд, бунёдкорлик ва осойишталикни қадрловчи инсонлардир.



Фарход ЭСОНОВ  
«Mahalla»

Маҳалла Тошкент — Денов катта магистрал йўли бўйида жойлашганлиги сабабли, бу ерга кимлар келиб-кетаятгани, нима юмуш билан ташриф буюргани биринчи галда посбонлар, қолаверса, маҳалла аҳлининг диққат-эътиборида.

— Фаоллар билан ҳамкорликда тарғибот-ташвиқот, тушунтириш ишларини ҳамда жамоатчилик назоратини кучайтириш бўйича аниқ чоралар амалга

ошириляётган, — дейди йиғин раиси Ботир Хўжамқулов. — Айниқса, «Маҳалла посбони» жамоатчилиги тузилмаси ҳудудда тинчлик ва барқарорликни таъминлашда, жамоат тартибини сақлашда самарали иш олиб бормоқда. Бунда тузилма сардори Элмурод Бобилоннинг иш тажрибаси асқатаётган.

Ун етти йилдан буюн шу вазифада ишлаётган Э.Бобилон сардор сифатида ўз ишига пухта. Барча кўча бошлиқлари билан мунтазам ҳамкор. Шу боис маҳалланинг ҳар бир хонадонидида визитдан ҳаммиша огоҳ. Бунда

унга тузилманинг 4 нафар аъзоси яқин кўмакчи.

— Мамлакатимизда қарор топган тинчлик, осойишталик ва барқарорлик натижасида аҳолининг турмуш фаровонлиги ошаётган, — дейди Э.Бобилон. — Бу жараёнга ўзининг фаол иштироки билан муносиб ҳисса қўшиш ҳар бир фуқаронинг ватанпарварлик ва фуқаролик бурчидир. Тузилмаимиз ана шу туйғулари одамлар онгига етказишни мақсад қилган. Хавфсизлик ва жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар огоҳлигини ошириш, тинчлик ва барқарорликни таъминлашда давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг қўйи тизимлари билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатганмиз.

Жамоатчилик тузилмаси халқимиз маънавиятига зид бўлган турли салбий таъсирларнинг олдини олиш юзасидан тушунтириш ишларини самарали ташкил этишда жонбозлик кўрсатиб келмоқда. Масалан, яқинда «Оммавий маданият таъсиридан ёшларни асралик» мавзусидаги тадбирда маҳалла ёшларининг иштироки тўлиқ таъминланди.

Сардор маҳалла раиси билан ҳамфикр, профилактика инспекторига яқин кўмакдош, Яраштириш ва Ёшлар билан ишлаш комиссияларининг самарали ишлашида доимо бош-қош. Киришмишлик ва етакчилик каби фазилатларга эга бу инсоннинг фаолияти самараси эришган ютуқларида намён. Ўтган уч йил мобайнида ҳудудда вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ҳолатлари кўпайтирди. Давлатимизнинг юксак муқофоти — «Шўхрат» медали билан тақдирлангани эса унинг меҳнатига муносиб рағбат бўлди.

Осойишталик учун жонқуяр сардор фаолият кўрсатаётган маҳаллада ўзаро меҳр-оқибат ришталари мустаҳкамланиб, ўзини ўзи бошқариш тизими самараси янада яққол намён бўлмоқда.

ИШ БИЛАНГА БАЛЛИ!

Чиғатойлик чеварларнинг шашти баланд

Тошкент вилояти Бўка туманидаги Чиғатой қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли «Олтин» маҳалласи тадбиркорлар, ишбилармон хунармандлар маскани сифатида эътибор қозongan. Сандиқчи, қандолатчи, қўлигул чеварлари доврўни олис-олисларга тарқатган. Маҳалланинг ана шундай тинч-тинчимас тадбиркор аёлларидан бири Гулбаҳор Жўраевадир.

Ашурали БОЙМУРОД  
«Mahalla»

Гулбаҳор опа олий маълумотли бўлса-да, чеварчилик касбига меҳри туфайли йиғин фаоллари билан маслаҳатлашиб, тикувчиликка қизиқиши бор қизларни атрофига тўплади.

Албатта, бизнес ўз-ўзидан юришиб кетмайди. Бунинг учун изланиш, елиб-югуриб меҳнат қилиш керак. Гулбаҳор опа тўртта тикув машинасини ўрнатиб, хонани зарур воситалар билан жиҳозлади. Натижада олти нафар маҳалла аёлининг бандлиги таъминланди.

Айни кунларда Г.Жўраева етакчилигидаги маҳалла чеварлари аҳоли буюртмалари асосида элита пардалари, аёллар кийим-кечаклари, ўқувчилар формаси, ишчилар учун махсус уст-бошлар тикишаётган. Қўлиқўлига тегмаётган Дилафрўз Абдувоитова, Холида Тўлқинова ва Фотима Раҳимова сингари чевар қизлар ўз меҳнатлари самарасидан мамнун.

Чеварларнинг шашти баланд. Ойига 2-3 миллион сўм соф даромад топишга эришаётган чеварлар яқин кунларда кўна миллий либосларни замонавий услубда тикишмоқчи.

Уй меҳнатининг даромади баракали бўлишини яхши англаган Г.Жўраева банкдан имтиёзли кредит олиб, тикув машиналари сонини кўпайтирмоқчи. Мазкур режа амалга ошса, яна қўшимча 5-6 та иш ўрни яратилади.



ТАДБИРКОР РАИС

Ерга меҳр берганнинг ризқи улўф бўлади

Юртимизда фермерлик ҳаракати етакчи кучга айланиб бормоқда. Давлатимиз томонидан фермерларга яратилаётган шарт-шароитлардан унумли фойдаланаётганлар сафи кенгаймоқда.

Меҳригўх БОЗОРОВА.

Хусусан, Навоий вилояти Қизилтепа тумани Арабхона маҳалласи ҳам ишбилармон ва тадбиркорлар, тажрибали фермерлар масканидир. Ҳудудда 4 та пахта ва ғалла етиштирадиган, 2 та балиқчилик, 2 та боғдорчилик фермер хўжаликлари мавжуд.

Бинобарин, «Файз Ҳалим гулбоғи» фермер хўжалиги раҳбари Фаёз Ҳалимовнинг 7,5 гектар боғида қисқа вақтда 50 туп гилос, 70 туп олхўри ҳосилга кирди. Бундан ташқари, боғда 3 хил олма, 3 хил шафтоли, 10 хил ўрик, бир неча маҳаллий узум навлари етиштирилади. Хўжаликда 7 киши

доимий иш билан банд. Юқори ҳосилдорлик, шубҳасиз, боғбоннинг ерга меҳридан далолат. Зеро, боғда қуриган шох-шаббани учратиш амримаҳол.

Ўз ишини пухта билган, давлатимиз томонидан қишлоқ хўжалиги соҳасида олиб борилаётган ислохотлардан яхши хабардор, замон билан ҳамнафас Фаёз ота хўжалигининг меҳнат унуми ортагач, транспортга эҳтиёж тўғилди. Утган йили банк имтиёзли кредити ҳисобига «ISUZU» юк машинаси сотиб олинди. Бугунга келиб кредитни тўлашда улгурди. Айни кунларда мазкур боғда етиштирилган шафтолино узумлар туман ва вилоят бозорлари расталарини тўлдириб турибди.



қарадиган «Самарқанд Агромир» МЧЖ корхонаси билан шартнома тузган. Ҳар йили мазкур корхонага 50-60 тонна турли хил мевалар етказиб беради. Жорий йилда ҳам шартномани ортиғи билан бажаришга эришди.

Бўш ерларга беда экилган, 25 бош чорва молига емиш ҳам шу боғдан чиқади. Аҳолининг гўшт ва сўт маҳсулотларига талабини ҳисобга олган фермер даромадининг бир қисмини чорва молларини парвартиришга йўналтирган. Ҳудуддаги бозорларда барчага маъқул нархлардаги сўзма, қатик, сарёғу қаймоқларнинг маълум қисми айнан «Файз Ҳалим гулбоғи» фермер хўжалиги маҳсулотлари.

Фаёз ота икки ўғил, бир қизнинг отаси, тўрт набиранинг бобоси. Қўлга намуна бўлғулик бу оилادا тинч-тотувлик барқарор. Дар-

воқе, отахон «Арабхона» маҳалла фуқаролар йиғинининг раиси.

— Маҳалламиз аҳлининг тўймаърақасида бош-қош бўлиш, турмушда хотиржамликни таъминлаш бурчимиз, — дейди Ф.Ҳалимов. — Туман ҳокимлиги ва «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси билан ҳамкорликда маҳалламиз учун янги бино қурдик. Ушбу бинога маҳалладошларнинг хашар, ҳомийлик каби қўшган улўшларини алоҳида айтиб ўтиш жоиз. Мазкур бино фаолиятимизнинг янада самарали бўлишига қўл келади.

Ҳа, ерга, элга меҳр, фидокорона меҳнатга лаёқат ва унинг ортидан келадиган даромаду элнинг олқиси деҳқоннинг ютуғи, бойлиги, бахтидир. Бундай инсонларнинг орамизда кўпчилиги янада кувонарли.

Бувижонларда  
энди бўш вақт йўқ

Томчидан ирмоқ, ирмоқдан дарё ҳосил бўлганидек, бой ҳаётини тажриба ҳам қулар, йиллар оша тўпланади. Яқинда фуқароларнинг яшаш шароитлари билан танишиш мақсадида уларнинг хонадонларига таширғимиз давомида яна бир тарафга эга бўлдик.

Роҳилахон  
ТУРДИЕВА,  
Анджон шаҳридаги  
«Намуна» маҳалла  
фуқаролар йиғини  
нинг диний таърифот  
ва маънавий-ахлоқий  
тарбия масалалари  
бўйича маслаҳатчиси.

Гап шундаки, жорий йилнинг июнь ойида фаоллар ўзаро келишиб, режаларни ҳамжихатликда мувофиқлаштириб оланган сўнг белгиланган кунлари хонадонларга мутасаддиларнинг барчаси биргаликда борадиган, тегишли масалалар ҳамжихатликда ҳал этиладиган бўлди. Бу тажрибамиз оилаларни кенг қамровда ўрганиш, ҳақиқий ҳолатни баҳолаш имконини берди. Зеро, ижтимоий ҳаётнинг барча қирраларини қамраб олаётганимиз ютуғимиздир.

Шундай муомала-муносабатлар жараёнида бир ҳаётий зарурат эътиборимизни тортди. Ёши эллик, олтишдан ошган, соғлиги рисоладагидек, вужудидан куч-ғайрат ёғилиб турган онахонлар уйда ўтириб зерикиб қолаётганини, уларни фойдали машғулотга жалб этиш жоизлигини тушундик.

ХУНАРДАН-УНАР

Қадриятларни  
ардоқлаган  
ЭЪЗОЗ ТОПАДИ

Хоразмда хунармандчилик бой тарихига эга. Бугунги авлод ушбу қадриятни давом эттирибгина қолмай, уни янада ривожлантириб, юртимиз номини дунёга таъинмоқда. Ана шундай истеъдод эгаларидан бири «Хунарманд» уюшмаси аъзоси, Хонқа тумани Мадрид қишлоғида яшовчи Одилбек Матжоновдир.

Ф. ЭСОНОВ  
«Mahalla»

— Хунармандчилик бизга бобомерос, — дейди Одилбек ака. — Отам ҳам ҳудудда машхур кулол сифатида танилган. Болалигимдан отамнинг ёнида ушбу касб сир-асрорларини ўрганишга киришганман. Шушук акам Матжон Матжонов билан кулолчиликни давом эттириб келаямиз.

О.Матжонов зангори кулолчилик асосида миллий меъморчиликимизда бадиий безаш ишларини моҳирлик билан амалга ошириб келмоқда. У 2000 йилда Огаҳий номидаги мусиқа ва драма театри биносининг фойе қисмини қошинкорлик санъати усулида безадди. 2001 йилда Тошкент шаҳридаги замонавий санъат маркази биносини, 2003 йилда Бухоро вилоятидаги Баҳовуддин Нақшбанд зиёратгоҳининг айвон қисмини, Қорақалпоғистон Республикасидаги «Султон Увайс» зиёратгоҳи каби кўплаб биноларни зангори кулолчилик қошинлари билан безадди.

— Президентимизнинг доимий эътибори ва ғамхўрлиги туфайли миллий қадриятларимиз ривож топмоқда, — дейди «Дўстлик» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Илҳом Қурамов. — Миллий хунарларимизнинг баъзи унутилган турлари қайта тикланиб, уларни ёш авлодга ўргатиш аънаси давом эттирилмоқда. Муҳими, хунармандчилик бугун аҳоли, хусусан, ёшлар бандлигини таъминлаш орқали оилалар фаровонлигини оширишда муҳим омилига айланмоқда.

О.Матжонов кўплаб халқаро кўргазмаларда қатнашган. Хоразм кулоллик мактабининг энг яхши аънасаларини давом эттириб, уни янада бойитаятган хунарманд аънавий «Ташаббус» кўрик-танловининг ғолиби ҳамдир. У Ўзбекистон Бадиий академияси Ижодкорлар уюшмаси аъзоси.

— Истиклол йилларида миллий хунармандчиликка эътибор тубдан ўзгарди, — дейди уста. — Хунар аҳлига давлатимиз томонидан қатор қулайликлар яратиб берилди. Эришаётган ҳар бир ютуғимизда Юртбошимизнинг ғамхўрликларини ҳис этаман.

Дарвоқе, фуқаролар йиғини кўмагида миллий кулолчилик устaxonаси қуриш учун туман ҳокимлиги томонидан унга ер майдони ажратилди. Айни пайтда бу ерда банкнинг 24 миллион сўм имтиёзли кредити эвазига қурилиш ишлари бошлаб юборилган.







## КУН МАВЗУСИ

Ёшлар маънавиятини  
юксалтириш таълим ва  
тарбиянинг асосидир

&lt; [1]

Худудда ёшларнинг маънавий дунёқарашини бойитиш, спорт билан оммавий тарзда шуғулланишларига эришиш, улар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини изчил йўлга қўйишда фуқаролар йиғинининг Вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссияси фаолияти эътирофга лойиқ.

Мазкур комиссия таркибини Вазирилар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Намунавий низоми талаблари асосида шакллантирдик. Бунда болалар ва ўсмирлар билан ишлаш қобилиятига эга мутахассислар, намунали оила соҳибларини жалб этдик. Хусусан, 9 кишидан иборат комиссия аъзолари ножиоз хатти-ҳаракатлар, «оммавий маданият» таъсирларининг олдини олиш ҳамда бунга имкон туғдирувчи сабаб ва шароитларни бартараф этишда аниқ чора-тадбирларни қўлламоқда. Чунки жорий йилнинг ўтган даврида ҳудудимизда жойлашган 61-бошланғич ҳамда 71-умумтаълим мактаблари жамоаси билан ҳамкорликда 50 дан зиёд тадбир ўтказдик.

Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, халқ ўйинларини ривожлантиришга қаратилган ишларни ташкиллаштиришда 2-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактаби доимий ҳамкорликка айланган.

Бу йил маҳаллаимиз ёшларидан 67 нафари умумтаълим мактабларининг 9-синфини битирди. Комиссия аъзоларининг саъй-ҳаракатлари туфайли улар таълимнинг кейинги босқичига тўла қамраб олинди. Жумладан, 5 нафар ёш



## ОИЛА ТИЛСИМИ

## Қўша қариб, кадр топганлар

Сирдарё вилояти Мирзаобод туманидаги «Тошкент» маҳалласида истиқомат қилаётган Сатторкул Қудратов оиласи элдешларига ҳар жиҳатдан ўрнак бўлиб келаётган.

■ Тошпўлат ҲАЙИТБОЕВ  
«Mahalla»

Оила аъзолари ўртасида ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат туйғулари билан барқарорлиги фарзандларнинг гўзал ахлоқ, илму маърифатли инсонлар бўлиб вояга етишида етакчи оимил бўлмоқда. Қудратовлар жорий йилнинг май ойида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Республика «Оила» илмий-амалий маркази, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва бошқа ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида ташкиллаштирилган «Энг намунали оила» қуриқ-танловида ғолиб бўлди.

Оила бошлиғи Сатторкул ака ҳаммиса эл-юртга холис хизмат қилган. Ҳозирги кунда у тадбиркор. Гулистон шаҳридаги «Нисон ота ҳамкор» хусусий корхонасига раҳбарлик қилмоқда. Оила бекаси Қиёғат ая узок йиллар Мирзаобод туманидаги 5-сонли умумтаълим мактабидида ёш авлодга сабоқ бериб, нафақага чиққан бўлса-да, набиралар тарбиясини зиммасига олиб, турмуш ўртоғига корхона ишини юритишида яқин кўмакчи.

Салкам чорак аср ҳамжиҳат яшаб келаётган бу жуфтлик 4 нафар фарзандни олий маълумотли, одоб-иқромили инсонлар этиб камолга етказишди. Ҳозир фар-

## МАҲАЛЛАМИЗ ИФТИХОРЛАРИ

Шижоат ва мардликда  
ҳеч кимдан кам бўлмаган

&lt; [1]

Параосиё ўйинлари маҳоратли спортчи Шариф Халиловнинг зафарли одимлари учун навбатдаги пиллапоя бўлди.

— Юртимизда туғилган ҳар бир ўғлон бешикданок кураш гиламига йўл олади, десам адашмайман, — дейди II Параосиё ўйинлари ғолиби Ш. Халилов. — Негаки, кураш биз учун шунчаки спорт тури эмас, балки миллий гуруҳ, аждодларимиздан қолган қадрият тимсолидир.

Шарифжонга полвонлик боболаридан ўтган. Бир вақтлар бобоси Бехбуд Халилов тўйдаги курашларда кураги ерга тегмас полвон сифатида ном қозонган эди. Аммо ўша вақтлардаги шариот, тўғрироғи, собиқ иттифок тузумига хос халқаро мусобақаларда фақат марказ ва унга яқин ҳудудлардан спортчилар танлаш «тажрибаси» истеъдодли полвон маҳоратининг фақат тўй курашлари доирасида чегараланишига сабаб бўлган.

Шу боис жажжи Шарифдаги бобомерос шижоат, полвонлик маҳоратини илғай олган Урин ака падари армонини неварани тимсолида рўёбга чиқариш учун ўғлини ўн ёшданок Бухоро шаҳридаги 2-сон Болалар ва ўсмирлар спорт мактабига ўқишга берди. Бу ерда истеъдодли мураббий Ҳасан Қосимов қўл остида машғуллар ўтган Шариф аста-секин тугма истеъдодини кураш маҳорати сирлари билан уйғунлаштирди.

Табиийки, спортчилар мунтазам ши-

фокорлар кўригида бўлишди. Ана шундай кўриқларнинг бирида Шарифнинг кўриш қобилияти нисбатан сустлиги аниқланди. Бундай вазиятда касрият спортчилар саломатлигини, келажакини ўйлаб спорт билан хайрлашди. Аммо ўз олдида жиддий мақсадларни қўйган Шарифнинг севган соҳасини ташлаб кетишга кўзи қиймади. Қолаверса, мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида спортни ривожлантиришга қаратилган алоҳида эътибор ва ғамхўрлик, бу борада жиҳмоний имкониятлари чекланган ва ногирон ёшларнинг ҳам спорт билан шуғулланиши учун яратилаётган шарт-шароитлар натижасида истеъдодли спортчи ўз тоифасида машғулларни давом эттирди.

У тинимсиз машқ қилди, тиришқоқлиги туфайли республика миқёсидаги мусобақаларда ўзини кўрсатди. Тез орада мамлакат Паралимпия терма жамоаси сафидан жой олди. Аввалига, 2010 йил Гуанжоуда ўтказилган Параосиё ўйинларида 73 килограммгача бўлган полвонлар баҳсида кумуш, Анталиядаги жаҳон чемпионатида бронза, 2012 йили Финляндия ва БААдаги халқаро турнирларда олтин медалларни қўлга киритган полвон 2012 йил Лондонда ўтказилган Паралимпияда ўйинларида қатнашиш учун ўзига керакли очколарни тўпладди. Тумани ўлкада кечган нуфузли мусобақада иккинчи натижани қайд этиб, мамлакатимиз терма жамоасининг Паралимпияда мусобақаларидаги илк медалини қўлга киритди.



Инчондаги II Параосиё ўйинларида эса Шариф Халилов вази 81 килограммгача бўлган полвонлар мусобақасида эронлик Саид Нури Жаъфарий, япониялик Юсуке Хатсусе, ҳал қилувчи баҳсда таиландлик Рунг Чатфунгни мағлубиятга учратиб, шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

— Болалигимизда маҳалладаги тенгқурларим билан кураш тушганимизда бобом ҳаракатларимизни кузатиб, «мардлар олишмайди, силтаб отади» дердилар. «Алпомиш» дostonидан олинган ушбу сўзлар мағзини кейин тушунганман. Даврага тушган полвон ҳеч қачон ўз кучидан ҳаволанмаслиги, бир зум бўлса-да, эътибордан чалгимаслиги керак, — дейди Шариф полвон. — Лондон Паралимпиадасида ярим финалда мусобақа ғолиблигига асосий номзод россиялик Шаҳбан Курбоновни мағлуб этиб, финалда доимий тарзда енгиб келаётганим — украинлик Дмитро Соловей рақиб эканини билиб, олтин медалини қўлга киритишимга шубҳам қолмаган. Аммо ўша вазиятда ўзимга ортиқча ишондими ёки финалдаги кучли ҳаяжон сабабми ўйинни очколар ҳисобига бой бердим. Бу ўйин менга ҳар қандай вазиятда рақиб кучига муносиб баҳо бериш, қийин вазиятда ўзни йўқотмаслик борасида яшиганига сабоқ бўлди.

Кореядаги навбатдаги Параосиё ўйинларида шу жиҳатда жуда ҳушёр турдим. Насиб қилса, керакли рейтинг очколарини тўплаб, 2016 йилда Риоде-Жанейрода ўтадиган Паралимпия ўйинларида қатнашсам, албатта, олтин медалини қўлга киритаман.

— Шарифжон — маҳаллаимиз фаҳри, — дейди у истиқомат қилаётган Бухоро шаҳридаги 52-сон «Афшор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Бекмурод Сафаров. — Айтиш жоизки, худудимизда спортнинг футбол ва бокс турлари бирмунча ривожланган, бу йўналишда маҳаллаимиз ёшлари бир неча бор Республика мусобақаларида совринли ўринларни эгаллашган. Айни пайтда Шарифжон нуфузли мусобақаларда ширқор эшиш баробарида маҳаллаимиз ёшлари учун кураш тўғраги ҳам ташкил этиб, бўш вақтларда улар билан машғуллар олиб бормоқда. Бу эса эндиликда маҳаллада кураш тури тарққий этиб, Шарифжонга ўшаш чемпионлар сафининг кенгайишига имкон беради.



## Хаводаги фалокат

Таиландда вертолёт билан боғлиқ ҳалокат туфайли 9 нафар ҳарбий хавфдан кўз юмди.

«Associated Press»нинг маълум қилишича, «Bell 212» ҳавога кўтарилганидан ўн дақиқа ўтиб кулаб тушган. Дастлабки таҳминларга кўра, ҳалокатга ноқулай об-ҳаво ёхуд двигателнинг ишламай қолиши сабаб бўлган.

Вертолёт бортида Таиланд 3-минтақавий армияси қўмондонининг ўринбосари раҳбарлигидаги зобитлар бор эди. Ҳарбийлар Пхаяу музофотидаги базани кўздан кечириб қайтишга эришди.



Мамлакатда вертолётнинг мазкур русумидан фойдаланиш уч нафар кишининг ўлимига сабаб бўлган 2011 йилдаги ҳалокатдан сўнг тўхтатилган, бироқ техник созлиги назоратдан ўтказилган, уларнинг парвозига яна рухсат берилган.

## Дунё иқтисоди юксалмоқда

Австралияда ўтган «Йирик 20 лик» давлатлари гуруҳига кирувчи мамлакатлар раҳбарлари саммити якунида муҳим қарор қабул қилинди.



2018 йилга бориб жамоавий ЯММ ҳажмини 2,1 фоизга оширувчи иқтисодий стратегия амалга ошириладиган бўлди. Мазкур ҳажм дунё иқтисодининг 2 триллионга ўсиши ҳам-

да миллионлаб янги иш ўринлари яратилишига олиб келади. Жаҳон валюта жағғармаси мутахассисларининг фикрича, бу қарор бутун дунё иқтисоди учун фойдали натижаларни тақдими этади. Шунингдек, савдо-иқтисодий муносабатларнинг интеграциялашуви келгусида қўллаб-даватларнинг барқарор юксалишига ижобий таъсир кўрсатади.

«Йирик 20 лик»нинг келгуси йилдаги саммити Туркияда, 2016 йилдаги эса Хитойда ўтади.

## Уйсиз болалар сони ортган

АҚШнинг уйсизлар ишлари бўйича миллий маркази бошпанасиз болалар сони 2012 йилга нисбатан 2013 йилда 8 фоизга ортганини эълон қилди.

Мазкур маълумотлар таълим департаментининг сўнги ҳисоб-китобларига асосланган. Унга кўра, 2012 йили мамлакат таълим муассасаларида 1,3 млн. нафар уйсиз бола қатнаган. Орадан бир йил ўтгач, бу кўрсаткич 2,5 млн.га етган. Миллий марказ ҳисоботида АҚШдаги ҳар ўттизинчи боланинг бошпанасизлиги қайд этилган.

Бу борадаги энг аянчли аҳвол Калифорнияда кузатилмоқда. Мазкур штатда мамлакат аҳолисининг саккиздан бири, уйсизларнинг бешдан бири, жумладан, 527 миң нафар бошпанасиз бола истиқомат қилади. Тадқиқотларга кўра, штатда уйсизлар сонининг юқорилиги кўчмас мулкнинг қимматлиги би-



лан боғлиқ. БМТ маълумотларига кўра, ер юзюда 3 ёшдан 18 ёшгача бўлган 150 млн. нафар қаровсиз бола бор. Улардан 40 фоиз бошпанасиз, қолганлари эса оиласига қўмақлашиш мақсадида кўчада дуч келган иш билан машғул. Норасмий маълумотларга кўра, 2020 йилга бориб уйсиз болалар сони 800 млн. нафаргача ортади.

■ Интернет материаллари асосида Н. АСЛОН тайёрлади.

ДИҚҚАТ,  
ТАНЛОВ!

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Фарғона вилояти бўлими бошқаруви фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида компьютер жамланмалари ва меъле жиҳозлари сотиб олиш учун танлов эълон қилади.

Мазкур танловда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган, давлат рўйхатидан ўтган махсус лицензияга эга бўлган юридик ва жисмоний шахслар ширқор этишлари мумкин.

Манзил: Фарғона вилояти Фарғона шаҳри, Б.Марғинович кўчаси 121-уй.

Мурожаат учун телефонлар: (73) 244-54-54; (73) 226-41-51

## ТАБИАТ ИНЪОМИ

## Хурмо — шифоли неъмат

Боғларимизда пишиб етилган ширин мевалардан бири — хурмо аёзли қушларда ҳам яхши сақланиши, таъми бузилмаслиги билан ажралиб туради.



Бу неъмат таркибида кўп микродорда йод моддаси бор. Шу боис мутахассислар қалқонсимон без касаллиқларининг олдини олиш ва даволашда хурмо истеъмол қилини тавсия этишади.

Хурмо таркибида қаришни секинлаштирадиган бета-каротин

моддаси, юрак мушаклари фаолиятини кучайтирадиган калий, С витамини, камқонликка даво темир, буёракларда тош пайдо бўлишининг олдини оладиган мағний бор. Бундан ташқари, хурмода овқат ҳазм қилиш жараёнини барқарорлаштирувчи, холестерин ва сафро кислотасини парчаловчи пектин моддаси микдорининг юқорилиги оқшоқзонни заҳарланишдан, ичак фаолиятини бузилишидан сақлашда қўл келади.

Жаннатмакон ўлкамизга киш кириб келаётган. Боғларимизда эса ҳамон мевалар пишиб етилмоқда, — бозорларда хурмо меваси савдоси авжида. Демак бу шифобахш мевадан тановул қилиб, танани дармондорилар билан бойитишга эътибор қилинган.

■ Олтиной МАДАМИНОВА тайёрлади.



## Mahalla

ижтимоий-сиёсий, иқтисодий,  
маданий, маърифий газета

Муассис: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2013 йил 12 апрелда 0019 рақами билан қайта рўйхатга олинган.

## Бош муҳаррир

Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Телефонлар:

Қабулхона: 233-39-89, Котибият: 233-44-25, Фуқаролик жамияти институтлари билан ишлаш бўлими: 199-84-32, Иқтисодий ва ҳуқуқ бўлими: 199-83-46, Маънавият ва спорт бўлими: 199-84-23, Факс: 233-10-73

Нашр кўрсаткичи: 148

20090 нусхада чоп этилди. Буюртма S-1397

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди, офсет усулида босилди. Формати — А-2, 4 босма табоқ.

Саҳифаловчи: С.Турдали ўғли  
Муассасхих: Н.Азимова  
Навбатчи: З.Хайитова  
Нашр навбатчиси: Ф.Эсонов

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Индекс: 100083

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Баҳоиси келишилган нархда.

Тошпирлиди — 21.00